# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI
# HOKIMLIGI

140157, Samarqand sh., Ko‘ksaroy maydoni, 1-uy. Tel.: (66) 2304270, 2312093, e-mail: samarkand@exat.uz, info@samarkand.uz


20*22*-yil *22* - *noyabr* *02-16/4336*-son Samarqand sh.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Вазирлар Маҳкамасига**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2022 йил 14 ноябрдаги 12/1-180 сон топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида Давлат дастури ижро муддати йил давомида ва доимий этиб белгиланган вилоятга тегишли ҳар бир банд (кичик банд) ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар иловага мувофиқ юборилмоқда.

*Илова:* 43 *варақда*

**Вилоят ҳокимининг**
**биринчи ўринбосари** **Ж.Ураков**

Самарқанд вилоят ҳокимлигининг
2022 йил 22 ноябрдаги
__________ сон ҳатига
ИЛОВА

# Самарқанд вилоятида "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини" «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид

# ДАВЛАТ ДАСТУРИ

| Т/р | Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизмлари | Амалга ошириш шакли | Муддати | Амалга ошириш харажатлари (молиялаштириш манбалари) | Назорат қилувчилар | Масъул ижрочилар | Ижро холати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **I. ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ** *(Масъуллар — Т. Нарбаева ва Н. Исмоилов)* | | | | | | | | |
| **1-мақсад. Маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш.** | | | | | | | | |
| 6. | Маҳаллаларнинг **«ўсиш нуқталари»** ва уларда яшовчи аҳолининг **тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан** келиб чиқиб, уларда истиқомат қилиб, **фаолият юритувчи аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш** тизимини кучайтириш. | 1. Маҳаллада **бир турдаги ихтисослашувда фаолият юритаётган аҳолини** қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.<br>2. Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича ҳоким ёрдамчиларининг асосий вазифаларидан бири сифатида йил давомида маҳаллани ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида уни **ўрта ва қисқа муддатда ривожлантириш бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш** амалиётини йўлга қўйиш. | Ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар | 2022 йил август | Ҳисоб-китобларга асосан | Бош вазир ўринбосари **Ж. Қўчқоров**, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси **Р. Гулямов**, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари **О. Салиев** | Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги **С. Холхўжаев**, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги **Р. Маматов**, Молия вазирлиги **Т. Ишметов**, Савдо-саноат палатаси **А. Икрамов**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | **Бажарилган**<br>**1.** Вилоятдаги **1 126 та** махал-лада ҳоким ёрдамчилари томонидан **55 та** йўналишдаги **3 378 та** ўсиш нуқталари аниқланди.<br>**2.**Хатлов натижалари бўйича тадбиркорлик қилиш истагини билдирган **20 240 нафар** фуқароларнинг манзилли рўйхати шакллантирилди.<br>3. Маҳаллада бир турдаги ихтисослашув бўйича фаолиятни амалга ошириш мақсадида "ўсиш нуқтаси"-драйвер бўйича **2544 та** "Етакчи" тадбиркорлар бириктирилиб. улар томонидан кооперация асосида **34 174 та** хонадон қамраб олинди.<br>Жумладан, **52 та** "оғир" маҳаллага бириктирилган **61 та** етакчи тадбиркор томонидан **3 547 та** хонадон қамраб олинди.<br>Етакчи тадбиркорларга жами **52,7 млрд.сўм** имтиёзли кредит ажратилди, улар томонидан **73 та** лойиҳа амалга оширилиб, **3 814 нафар** фуқаронинг бандлиги таъминланди.<br>**4.** Ҳоким ёрдамчиларининг маъсулиятини ошириш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳарда **51 маротаба** ўқув семинар ўтка-зилди, ҳоким ёрдамчиларининг ҳар бирига **5 турдаги** жами **5 630** дона методик қўллланма тарқатилди.<br>**5.** Ҳар бир маҳаллани иқтисодий ривожлантириш юзасидан ҳоким ёрдамчисининг йиллик ва чораклик "Йўл |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | харита”си ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилган.<br>Йўл харитада белгиланган вазифалар асосида ҳоким ёрдамчилари томонидан қўшимча даромад манбаини шакллантириш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида<br>**2 минг 305 та** инкубатор, **1 млн 203 минг бош** парранда, **2 минг 725 бош** қорамол, **65 минг**<br>**424 бош** қўй ва эчкилар, **14 минг 839 бош** қуён, **16 минг 249 та** асалари уяси, 2 минг 133 та иссиқхона, **437 минг 493 та** мевали дарахт кўчатлари кам таъминланган, ишсиз ва ҳимояга муҳтож аҳоли хона-донларига тарқатилди.<br>**6.** Ўсиш нуқталари асосида ҳоким ёрдамчилари томонидан ўтган 9 ойда **1 минг 153 та** кичик ишлаб чиқариш, **2 минг354 та** кичик хизмат кўрсатиш ва **136 та** кўп қаватли уй-жойлар ертўласини ижарага бериш орқали савдо ва хизмат кўрсатиш объект-лари ташкил этилди.<br>**7.** Ҳоким ёрдамчилари томонидан **555 та** тадбиркорлар фао-лияти кенгайтирилиб, **462 та** корхоналар қувватлари тикланди, **203 та** бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш учун та-шаббускор фуқароларга кўмак-лашиш орқали тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилди. |
| **3-мақсад. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг институционал асосларини замон талабларига мослаштириш.** | | | | | | | | |
| 13. | **Маҳаллий бошқарув** фаолиятига ахборот-технологияларини кенг жорий қилиш. | 3. **«Рақамли халқ депутатлари Кенгаши»** лойиҳаси доирасида **маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини** жорий этиш.<br>Бунда:<br>маҳаллий Кенгашларнинг йиғилишларини ўтказишда **ортиқча сансалорликларни** бартараф этиш; | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2022 йил октябрь | Ҳисоб-китобларга асосан | Бош вазир ўринбосари<br>**Ж. Кўчқоров,**<br>Бош вазир маслаҳатчиси — IT-технологиялар телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи<br>*(лавозим бўйича)* | Олий Мажлис палаталари<br>*(келишув асосида),*<br>Ахборот технологиялари вазирлиги<br>**Ш. Шерматов,**<br>вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | **Бажарилмоқда**<br>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятига “Рақамли халқ депутатлари Кенгаши” комплекс ахборот тизимини татбиқ этиш тўғрисида”ги 2022 йил 20 сентябрдаги КҚ-407-IV-сонли қарорининг 2-бандига мувофиқ “Рақамли халқ депутатлари Кенгаши” комплекс ахборот тизимини иш тушуриш белгиланган.<br>Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қуватлаш бўйича ягона интегратор “UZINFOCOM” маъсулияти чекланган жамияти еткчи мутахассиси Д.Абдураззоқова ҳамда биринчи тоифали мутатхассиси |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | маҳаллий Кенгашлар томонидан ҳудудий ижро органларини назорат қилиш доирасидаги ҳисоботлар, қарорлар, сўровлар ва бошқа ҳужжатлар ҳамда уларнинг бажарилиши ҳақидаги маълумотларни эълон қилиб бориш амалиётини жорий этиш назарда тутилади. | | | | | | О.Юнусовлар томонидан “Рақамли халқ депутатлари Кенгаши” дастуридан фойдаланиш тўғрисида тақдимот қилиб дастурда ишлаш қўлланмалари тушунтирилди ва Kengash.gov.uz тизимига уланиш ҳамда фойдаланиш ишлари амалга оширилмоқда. |
| **7-мақсад. Мамлакатимиздаги ислоҳотларни изчил давом эттиришда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада ошириш.** | | | | | | | | |
| 24. | Олий Мажлис палаталарининг **маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлигини** кучайтириш. | 1. Парламентнинг маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича **йиллик «Йўл харитаси»ни** ишлаб чиқиш.<br>2. **«Қонунчилик палатаси депутати — унинг ёрдамчиси — маҳаллий Кенгаш депутати»** тизими асосида қонун лойиҳалари бўйича **фикр ва таклифларни олиш**, амалиётдаги муаммоларни таҳлил қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш.<br>3. Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида, парламент назорати тадбирларида **маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари** вакилларининг **иштирок** этиши, уларнинг **фикрларини олиш амалиётини йўлга қўйиш**. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари | 2022 йил июнь | - | Қонунчилик палатаси Спикери **Н. Исмоилов,** Олий Мажлис Сенати раиси **Т. Нарбаева** *(келишув асосида)* | Олий Мажлис палаталари депутатлари ва сенаторлари *(келишув асосида),* вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | **Бажарилган.**<br>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 20 майдаги 2123–IV/КҚ-348–IV-сонли Қўшма қарори билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлигини кучайтириш бўйича “ Й Ў Л Х А Р И Т А С И ” тасдиқланди.<br>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қўмиталари ҳамда комиссиялари мажлисларида, парламент назорати тадбирларида маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари, доимий комиссиялар вакилларининг иштирок этишини, уларнинг фикрларини олиш амалиётини кучайтирилди.<br>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётган қонун лойиҳалари юзасидан маҳаллий Кенгашлар депутатларининг таклифларини олиш амалиётини йўлга қўйилди.<br>Вилоят, туман, шаҳар ҳокимларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим масалалари юзасидан ҳисоботларини маҳаллий Кенгашларда эшитишга оид тадбирларда ҳудуддан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари иштирок этмоқда. |
| **III. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЮҚОРИ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ**<br>*(Масъуллар — Ж. Кўчқоров, С. Умурзоқов ва Ш. Ғаниев*) | | | | | | | | |
| **21-мақсад: Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни — 1,6 баробар (1750 доллардан 2800 долларга) ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш учун замин яратиш.** | | | | | | | | |
| 71. | Ҳар бир туман бюджетининг камида **5 фоизини «Фуқаролар бюджети»** дастури доирасида аҳолининг таклифлари асосида энг долзарб муаммоларни ечишга сарфлашни ташкил қилиш. | Туман ва шаҳарлар бюджетлари параметрларида худудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг камида **50 фоизи «Очиқ бюджет» ахборот портали** орқали **жамоатчилик фикри асосида** аниқланган ички йўлларни таъмирлашга йўналтириш тартибини жорий этиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил февралдан бошлаб | Туман ва шаҳар бюджети ҳисоб-китоб асосида | Бош вазир ўринбосари **Ж. Кўчқоров** | Молия вазирлиги **А. Хайдаров**, Автомобил йўллари қўмитаси **А. Абдувалиев,** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари | **Бажарилмоқда.**<br>**1.** Маҳаллий бюджетлар-нинг **5%** ҳисобидан **156,8** **млрд.сўм** маблағ **“фуқаролар бюжети”**га йўналтириш белгиланган<br>Ташаббусли бюджет жараёнининг 1-мавсумида фукаролар томонидаи 3661 та таклифлар илгари сурилган булиб, худудий ишчи комиссиялар томонидан 1732 та таклифлар овоз бериш жараёнига утказилди. Овоз бериш жараёнида вилоят ахолисинг карийб 10% ортиғи иштирок этиб, ўзлари қўллаб-кувватлаган таклиларга 369 015 та овозлар беришди. Ташаббусли бюджет жараёни 1-боскич якунларига кура 209 та таклифлар ғолиб деб топилди ва ушбу тадбирлар учун жами 114,0 млрд.сўм маблағ йўналтирилди<br>Ташаббусли бюджет жараёнининг 2-мавсуми учун туман шаҳар ҳокимликлари қошида ташкил этилган фуқаролар ташаббуси жамғармасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сонли “Бюджет жараёнида фуқароларнинг иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлари тўғрисида”га қарорига асосан барча туман(шаҳар)ларда тегишли бюджетларнинг тасдиқланган харажатларининг 5 фоизи ҳисобидан 78,4 млрд.сўм ҳамда 1-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан 30% 12,6 млрд.сўм маблағ ажратилди ва 2-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан 17,7 млрд.сўм жами 108,7 млрд.сўм маблағ жамғармага ажратилди. |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | 2. Ички йўлларни таъмирлаш учун бюджетда 23,2 млрд. сўм кузда тутилган.<br>Туман ва шаҳарлар бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг камида 50 фоизи ўрнига амалда<br>61,4 фоизи ёки 14,2 млрд.сўм “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўлларни таъмирлашга йўналтирилган.<br>Овоз бериш натижаси бўйича 34 та кўчалар (32,6 км 15,5 млрд. сўмга) ғолиб деб топилган.<br>Бюджет параметридаги маблағнинг 50% (11,6 млрд.сўм) га нисбатан 3,9 млрд.сўм маблағга кўп овоз берилган.<br>Манзилли дастур тузилган, экспертиза хулосаси олиниб, тендер танловига эълон берилган. |
| **22-мақсад: Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баробар ошириш.** | | | | | | | | |
| 83. | **Тўқимачилик саноати** маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини **2 бароборга** кўпайтириш. | 1. **Тўқимачилик саноати** маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмларини **2022 — 2026 йил**ларда кўпайтириш бўйича дастур ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.<br>Бунда:<br>ип-калавани чуқур қайта ишлаш (**2026 йилга** қадар **ип калавани тўлиқ қайта ишлаш**ни йўлга қўйиш), ишлаб чиқариш занжирида мавжуд бўшлиқларни тўлдиришга қаратилган **лойиҳалар рўйхатини шакллантириш**;<br>тайёр маҳсулотлар учун **миллий брендлар**ни ривожлантириш ва уларнинг экспортини | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси | 2022 йил июнь | Ҳисоб-китоблар асосида | Бош вазир ўринбосари **С. Умурзаков** | «Ўзтўқимачилик-саноат» уюшмаси **И. Ҳайдаров,** Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги **А. Воитов,** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | **Бажарилмоқда.**<br>Самарқанд вилоятида **1 183** та тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритувчи корхоналар мавжуд бўлиб, 34622 нафар ишчилар фаолият кўрсатмоқда.<br>**2021 йил**да умумий қиймати **386,9 млрд сўм**лик **42 та** инвестиция лойиҳалари ишга туширилиб, **973 та** иш ўринлари яратилди.<br>**2022** йил якунига қадар қиймати **807,4 млрд. сўм**лик **26 та** инвестиция лойиҳалари ишга туширилиши режалаштирилган бўлиб, ушбу лойиҳалар ишга туширилиши натижасида **1 743 та** иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Хусусан, **тайёр тикув-трикотаж бўйича 16 та 6,2 млн. дона ишлаб чиқариш, гилам ишлаб чиқариш бўйича 2,5 млн.кв.м эга 2 та лойиҳа ва пайпоқ ишлаб чиқариш бўйича 19,9 млн. жуфт қувватга эга 5 та лойиҳа ишга туширилади.** |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ошириш, жумладан миллий ва хорижий брenддаги тайёр маҳсулот экспорти ҳажмини **2026 йил**да **5 млрд АҚШ доллари**га етказиш;<br>соҳада иш ўринларини **570 минг** нафарга етказиш, жумладан амалга ошириладиган лойиҳаларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб Тошкент тўқимачилик технопарки ва бошқа алоқадор Олий ўқув юртларида соҳа учун малакали **кадрларни тайёрлаш**;<br>**сунъий толани қайта ишлаш** ҳажмларини **200 минг тонна**га етказишни кўзда тутиш. | | | | | | **<u>Хозирги кунгача 30 та 276.6 млрд сўмлик лойиҳа ишга туширилди ва 2168 та янги иш ўринлари яратилди.</u>**<br>“Ургут” ЭИЗнинг ривожланиш дастури доирасида 2022-2026 йилларда тўқимачилик саноати йўналишида қиймати 383,0 млн АҚШ долларлик 89 та лойиҳа амалга ошириш прогноз қилинмоқда.<br>2022-2024 йилларда “УрГаз карпет” ва “САГ” корхоналари негизида сунъий толадан то тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнини қамраб олган кластерни ташкил этиш концепцияси ишлаб чиқилиб,, хозирги кунда инвестиция лойиҳалари ишлаб чикилмоқда. |
| 84. | **Чарм-пойабзал** соҳасини ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини **3 бароб арга** кўпайтириш. | 1. Ҳудудларда чарм маҳсулотидан пойабзал ва чарм-атторлик тайёр маҳсулотлари, шунингдек, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш орқали **2026 йилга** бориб саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш бунда, тайёр чарм маҳсулотларини **2,3 баробар**га (**3 463,5 млн кв. дмга**), пойабзал маҳсулотларини **2,8 баробар**га (**318,6 млн жуфтга**), чарм-атторлик маҳсулотларини **2,6 баробар**га (**270,0 млрд сўмга**), чармдан кийим-кечакларни **2 баробар**га (**54,4 минг донага**), импорт ўрнини босувчи бутловчи | Чора-тадбирлар дастури | 2022 йил март | - | Бош вазир ўринбосари **С. Умурзаков** | «Ўзчармсаноат» уюшмаси **Ф. Бобоев,** Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги **А. Воитов,** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | **<u>Бажарилмоқда.</u>**<br>Маҳаллийлаштириш дастури доирасида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш орқали импортни қисқартириш ва 2026 йилга бориб чарм-пойафзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини 3 баробарга ошириш чоралари кўрилади. Бунда, тайёр чарм маҳсулотлари ишлаб чиқиш 2,3 баробарга, пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқиш 2,8 баробарга оширилади;<br>2022 йилда қиймати 9,0 млн АҚШ долларлик 8 та лойиҳани амалга ошириш орқали 363 та янги иш ўринлари яратилади. Худди шундай, 2022-2026 йилларда 42 та 18,7 млн долларлик истқболли лойиҳалар амалга оширилади ва 510 та янги иш ўринлари яратилади.<br>**<u>Хозирги кунгача 6 та 56.1 млрд сўмлик лойиҳа ишга туширилди ва 177 та янги иш ўринлари яратилди.</u>**<br>Шунингдек, вилоятнинг Ургут ва Самарқанд туманларида ташкил этилган КСЗлар чарм-пойафзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. Мазкур |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ва бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни **1,3 бароба**р**га (1 820,2 млрд сўмга**) ҳамда соҳанинг экспорт кўрсаткичларини **1 150,0 млн АҚШ долларига** етказиш. | | | | | | КСЗларда 2022-2024 йилларда 21 та қиймати 5,7 млн долларлик инвестиция лойиҳалари амалга ошиши ва 290 та иш ўринлари яратилиши прогноз килинмоқда. Бугунги кунда КСЗлар инфратузилмасининг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда. |
| **24-мақсад: Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда «Яшил иқтисодиёт» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш.** | | | | | | | | |
| **25-мақсад: Рақамли иқтисодиётни асосий «драйвер» соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш.** | | | | | | | | |
| 102 | Дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини **5 баробар**, уларнинг экспортини эса **10 баробар** ошириб, **500 млн АҚШ доллари**га етказиш. | **2022 — 2026 йиллар**да вилоят марказларида ахборот коммуникация-технологияларини қўллаш орқали **масофавий хизматларни кўрсатиш (IT-аутсорсинг) марказларини** ташкил этиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2022 йил июнь | Қарорда белгиланган маблағлар ва молиялаштириш манбалари доирасида | Бош вазир маслаҳатчиси — IT-технологиялар телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи *(лавозим бўйича)* | Ахборот технологиялари вазирлиги **Ш. Шерматов,** Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси **Ф. Ибрагимов,** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | **Бажарилган.**<br>Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан “Самарқанд вилоятида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали масофавий хизматлар экспорти марказини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури” тасдиқланди.<br>Мазкур чора-тадбирлар дастурига мувофиқ бугунги кунда<br><br>“KMS Trans SO” ҚК томонидан “BPO-school” маркази ташкил этилди. Ушбу марказда вилоятдаги ишсиз ёшлар АҚШдаги юк автомобилларининг ҳаракатини назорат қилиш бўйича ўқитилади. Тингловчилар учун барча шароитлар яратиб берилган бўлиб, уларни ўқишга қабул қилишда инглиз тилида эркин сўзлаша олишлари ва компъютерда ишлаш кўникмаларига эга бўлишлари талаблари қўйилган.<br>Қолган шаҳар ва туманларда масофавий хизматларни кўрсатиш марказларини 2023-2026-йилларда ташкил этиш режалаштирилган. |
| **28-мақсад: Республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини 30 млрд АҚШ долларига етказиш.** | | | | | | | | |
| 125. | **«Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти»** ғояси асосида 200 та экспортчини очиқ танлов асосида саралаб, уларни | 1. «Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти» дастурини асосида **200 та** экспортчиларни қўшимча қўллаб-қувватлаш ва | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси | 2022 йил июнь | Ҳисоб-китоблар асосида | Бош вазир ўринбосари **С. Умурзаков** | Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги **А. Воитов,** Молия вазирлиги **Т. Ишметов,** | **Бажарилмоқда.**<br>Бугунги кунда “Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлари юрти” ғояси асосида Самарқанд вилоятида **14 та** экспортчи корхона очиқ танлов асосида саралаб олинди ҳамда вилоят ҳокимлигининг |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | етакчи экспортёрларга айлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш. | уларни рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш. | | | | | Ташқи ишлар вазирлиги<br>**А. Камилов**,<br>Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги<br>**Д. Саттаров**,<br>манфаатдор вазирлик ва идоралар,<br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 2022 йил 30 августдаги 04-04/3209 сонли хати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигигиа таклиф сифатида юборилди.<br>Жорий йилнинг ўтган даври мобойнида **463 та** корхона томонидан **53 та** мамлакатга **532 тур**даги (ТИФ ТН код бўйича) маҳсулотлар экспорт қилинди.<br>Экспорт фаолиятига январь-август ойларида **120 та** янги корхона жалб қилиниб, улар томонидан **20,0 млн. долларлик** маҳсулотлар Россия, Туркия, Хитой, Саудия Арабистони ва қўшни давлатларга экспорт қилинди.<br>**Экспортчиларни қўшимча қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш тизими доирасида 38 та** экспорт қилувчи корхоналарга айланма маблағини шакллантириш, хомашё сотиб олиш ва фаолиятини кенгайтириш мақсадида **387,6 млрд. сўмлик** кредит маблағлари ажратиб берилди.<br>**38 та** экспортёр корхоналарга қўшимча ҳисобланган қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) қайтарилиши бўйича амалий чоралар олиб борилиб, ҳозирги кунга қадар **83,5 млрд. сўм** маблағлар қайтарилди.<br>Шунингдек, вилоятда экспортчи корхоналар фаолиятида юзага келаётган муаммолар ва таклифларни ўрганиш, уларни бартараф этиш бўйича кунлик мониторинг ўрнатилган бўлиб, вилоят даражасидаги муаммолар тезкорлик билан ҳал этилиб, Республика даражасидаги муаммолар Республика экспорт штабига кунлик тақдим этиб борилмоқда. |
| | | 2. **200 та** экспортчи корхоналар рўйхатини шакллантириш. | | 2022 йил август | | | | |
| | | 3. Мазкур экспортчи корхоналарнинг **ишлаб чиқаришдан — хорижий харидоргача** бўлган жараёнидаги муаммоларини бартараф этиб бориш. | | доимий | | | | |
| | | 4. Экспортчи корхоналарни малакасини ошириш мақсадида етук хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда **«Экспортчилар мактаби»**ни ташкил этиш. | | 2022 йил сентябрь | | | | |
| | | 5. Ҳар **йили** республиканинг ҳар бир ҳудудидан энг салоҳиятли **100 та** маҳаллий корхоналарни ташқи бозорларга чиқишига йўл очиб бериш мақсадида **«Тадбиркордан — Экспортчигача»** тамо**йили** асосида **ҳар бир корхона учун алоҳида дастур** ишлаб чиқиш. | | 2022 йил ноябрь | | | | |
| **30-мақсад: Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш.** | | | | | | | | |
| 135. | Туманларни аниқ маҳсулот турини етиштиришга **ихтисослаштириш.** | Боғдорчиликка **46 та**, узумчиликка **48 та**, сабзавот — полизчиликка **51 та**, картошкачиликка **40 та** туманни ихтисослаштириш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил февраль | Агротехнологик карталар асосида ҳисобланган харажатлар доирасида<br>(ўз маблағи ва кредитлар) | Бош вазир ўринбосари<br>**Ш. Ғаниев** | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги<br>**Ж. Ходжаев,**<br>Фермер, деҳқон хўжаликлари ва шахсий томорқа ер эгалари кенгаши | **Бажарилган.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 28-июлдаги “Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Ушбу туманларда плантация усулида **25 минг** гектар мевали боғ, **50 минг** гектар узумзор, **49 минг гектар** сабзавот, **24 минг** гектарга полиз, **20 минг** гектарга картошка экилишини таъминлаш. | | | | | **А. Хаитов,** Кадастр агентлиги **Ф. Умаров,** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлар | чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5200-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг 2021-йил 15-августдаги 27-7-0-Q/21-сонли қарори ва туманлар ҳокимликларининг тегишли қарорлари қабул қилинган. Ушбу қарорга асосан, вилоятнинг Булунғур, Иштихон, Пайариқ, Қўшрабод, Каттақўрғон ва Ургут туманлари узумчиликга ихтисослаштирилган бўлиб, 2021-2024-йилларда жами 18211 гектар ер майдонларида узумчилик плантациялари ташкил этилиши белгилаб қўйилган.<br>Бундан ташқари Пайариқ, Ургут, Каттақўрғон, Қўшрабод, Иштихон ва Булунғур туманларида 17597 гектар узумзор плантацияларини яратиш, 2021-2026- йилларда 2659 гектар интенсив боғзорлар, 2022-йилда Булунғур, Жомбой, Ургут, Тайлоқ, Самарқанд туманларида 12 минг 7 гектар сабзавот экинлари экилиши белгиланган.<br>Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 6-майдаги "Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4704-сонли қарорига асосан, Булунғур, Жомбой, Ургут, Тойлоқ ва Ургут туманлари истеъмол ва уруғлик картошка етиштиришга ихтисослаштирилиб бугунги 12 минг 346 гектар майдонларга картошка экинларини экилиши белгилаб олинганлигини маълум қиламиз. |
| 138 | Экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини **1,5 баробар** ва иссиқхоналарни **1,2 баробар** кўпайтириб, **экспорт салоҳияти**ни яна | 7. Экспорт салоҳиятини келгуси 3 йилда яна **1 млрд АҚШ долларига** ошириш чораларини кўриш. | Чора-тадбирлар дастури | 2022 йил февраль | - | | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **Ж. Ходжаев,** Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги **А. Воитов,** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, | **<u>Бажарилган.</u>**<br>133,9 млн. долларлик 157,8 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт прогноз кўрсаткичлари белгиланган. Шундан жорий йил январ-октябр ойларида жами 121,8 млн долларлик мева-сабзавотлар экспорт қилинди. Бу кўрсатгич режага нисбатан таққосланганда 105,7 % ўсишни ташкил этди. 2021 йил январ-октябр ойлари билан солиштирганда 35,4 млн долларга ёки 140,9 % |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **1 млрд АҚШ долларига** ошириш. | | | | | | вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | га кўп маҳсулотлар экспорти амалга оширилган. |
| 140. | Илм-фан ва инновацияга асосланган **агрохизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.** | 1. **Фарғона, Самарқанд, Жиззах, Андижон, Навоий, Хоразм вилоятлари** агрохизматлари марказларини ташкил этиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни хизматлар билан қамраб олиш даражасини **30 фоизга** етказиш.<br>Ҳар бир ҳудудий агрохизматлар марказларига **12 нафардан** (**8 та** йўналишда, ўсимликлар ҳимояси ва карантини, зоотехния, механизация, агрокимё-тупроқшунослик, агрономия, ветеринария, иқтисодиёт, ирригация), жами **72 нафар** ходимларни жалб этиш. | Чора-тадбирлар дастури | 2022 йил март | **17,1 млн АҚШ доллари** (ХМИ маблағлари) | Бош вазир ўринбосари **Ш. Ғаниев** | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **Ж. Ходжаев,** Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази **А. Тураев** | **Бажарилган.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60 сонли "2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони 2-иловаси "2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид давлат дастури"нинг 140-банди "Илм-фан ва инновацияга асосланган агрохизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш"нинг 1-қисмида Фарғона, **Самарқанд**, Жиззах, Андижон, Навоий, Хоразм вилоятлариагрохизматлари марказларини ташкил этиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни хизматлар билан қамраб олиш даражасини 30 фоизга етказиш. Ҳар бир ҳудудий агрохизматлар марказларига 12 нафардан (8 та йўналишда, ўсимликлар ҳимояси ва карантини, зоотехния, механизация, агрокимё-тупроқшунослик, агрономия, ветеринария, иқтисодиёт, ирригация), жами 72 нафар ходимларни жалб этилиши белгиланган топшириқ юзасидан **Самарқанд вилоят агрохизматлар маркази** томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60 сонли "2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони 2-иловаси "2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид давлат дастури"нинг 140-банди "Илм-фан ва инновацияга асосланган агрохизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш"нинг 1-қисмида Фарғона, **Самарқанд**, Жиззах, Андижон, Навоий, Хоразм вилоятлари агрохизматлари марказларини ташкил этиш |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни хизматлар билан қамраб олиш даражасини 30 фоизга етказиш. Ҳар бир ҳудудий агрохизматлар марказларига 12 нафардан (8 та йўналишда, ўсимликлар ҳимояси ва карантини, зоотехния, механизация, агрокимё-тупроқшунослик, агрономия, ветеринария, иқтисодиёт, ирригация), жами 72 нафар ходимларни жалб этилиши белгиланган топшириқ юзасидан Самарқанд вилоят агрохизматлар марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 11-августдаги ПҚ-4803-сонли “Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида Самарқанд вилоят агрохизматлар марказида 2022-йил 1-июндан ўсимликлар ҳимояси ва карантини, зоотехния, механизация, агрокимё-тупроқшунослик, агрономия, ветеринария, иқтисодиёт, ирригация 8 йўналишлари кесимида 14 нафар мутахассислар жалб қилиниб, “Агромаслаҳат хизмати” гуруҳи шакллантирилди.<br>“Агромаслаҳат хизмати” мутахассисларини фаолияти самарадорлигини таъминлаш мақсадида мебел жихозлари, оргтехника воситалари ва автомашиналар билан таъминланди.<br>Улар томонидан 14 та туманда 2022 йил 22 ноябр кунига қадар 1775 нафар фермер ҳамда деҳқон хўжаликлари учун 27 та семинар тренинглар ҳамда келиб тушган 1657 та мурожаатларга беғараз илмий маслаҳатлар берилди. |
| | | 2. Соҳага **10 нафар** хорижий экспертларни жалб этган ҳолда агрохизматлар марказлари учун **етук кадрларни тайёрлаш, уларни доимий малакасини** ошириш. | Чора-тадбирлар дастури | 2022 йил март | **1,3 млн АҚШ доллар** (ХМИ маблағлари) | | | **<u>Бажарилган.</u>**<br>Самарқанд вилоят агрохизматлар марказига хорижий экспертларни жалб этган ҳолда агрохизматлар марказлари учун етук кадрларни тайёрлаш, уларни доимий малакасини ошириш мақсадида 9 та хорижий мамлакатлардан 18 нафар профессор, олимлар ташриф буйирди. Шундан 3 нафари жумладан Хорватия давлатидан Иван Ҳорват, Славен Алжиновис АКИС доирасидаги |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | маслаҳат хизматлари - тарихи, ҳозирги ва келажакдаги роли, функтсиялари, Полшанинг Краков қишлоқ хўжалиги университетидан профессоарлар Масиеж Чваниак ҳамда Марсин Ниемиес, “Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги”, “Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари”ва “Қишлоқ хўжалигида GLOBAL G.A.P. стандарти”, Покистон давлатидан Халқаро експерт Доктор Амир Малик Самарқанд вилоят агрохизматлар марказида АКИС агромаслаҳатчилари учун “Ўсимликларни ҳимоя қилиш” мавзуларида илмий амалий дала семинарлари ўтказилди. |
| 142. | **Агрологистика марказларини ривожлантириш** ва замонавий лабораториялар сони кўпайтириш. | 1. Агрологистика марказлари сонини **73 тага** ва қувватларини **1,1 млн тоннага** етказиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш. | Чора-тадбир дастури | 2022 йил март | **156,5 млрд сўм** (ўз маблағи — **65,3 млрд** сўм, банк кредити — **29 млрд сўм**, хорижий инвестициялар — **6,2 млн долл**., хорижий кредит линиялари ) | Бош вазир ўринбосари **Ш. Ғаниев** | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **Ж. Ходжаев,** Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги **Ш. Вафаев,** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлар | **<u>Бажарилган.</u>**<br>1. Тойлоқ туманида “БРО БЕАНС” МЧЖ қўшма корхонаси томонидан “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қая ишлаш (ювиш, қуритиш, саралаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш), мевали ва ботаника боғи, шарқона услубдаги бозор, логистика маркази, арт-ресторан ҳамда замонавий мехмонхона” ташкил этиш лойихасини амалга ошириш учун умумий қиймати 7 млн. АҚШ доллар бўлган, шундан 6,2 млн. АҚШ доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестисия киритиш ҳамда 2022 йил 1 декабрга қадар инвестисия лойиҳасини амалга ошириш натижасида 170 та янги иш ўринлари яратиш каби инвестисиявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгилаган ҳолда, доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилган. Хусусан, корхонамиз томонидан замонавий меҳмонхона, ресторан, логистика маркази қурилиш ишлари ҳозира 85 фоизга бажарилган ер майдони атрофи деворлар билан ўраб чиқилиб, ботаника боғи ҳам ташкил этилган. 3 млн. 784 минг АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестисиялар ўзлаштирилган ҳамда ҳисоботларда акс эттирилган. Ушбу лойиҳаларни қурилиш ишларини давом эттириш ҳамда қўшимча лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Туркия давлатидан янги таъсисчиси жалб этилаётганлиги ушбу инвестор билан қўшимча 8 млн. АҚШ |

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | доллари миқдори тўғридан-тўғри жорижий инвестисиялар ўзлаштирилиши 350 та янги иш ўринлари яратиш бўйича келишувларга эришилган. Лойиҳа муддатини 2023 йилнинг сентябрга қадар амалга ошириш бўйича вилоят ҳокимлигига сўров хати юборилган. 2. Самарқанд туманида "Парвиз-Фариз" МЧЖ корхонаси томонидан “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қая ишлаш (ювиш, куритиш, саралаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш) ва транспорт хизмати кўрсатиш бўйича логистика маркази ташкил этиш лойиҳаси бўйича қурилиш ишлари якунланган, корхона инфратузилмалар билан таьминланган. Ишлар 90 %га бажарилган. Ҳозирда бинога асбоб-ускуналарни ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда. Лойиҳа йил якунига қадар фойдаланишга топширилиши режалаштирилмоқда. |
| | | 2. Халқаро молия институтлари маблағи ҳисобига хусусий секторни жалб қилган ҳолда кичик агрологистика марказлари тармоқларини кенгайтириш.<br>Бунда:<br>Жаҳон банки иштирокида хусусий шериклик асосида агрологистика марказларини қуриш тартибини ишлаб чиқиш;<br>талабгорларга танлаш бўйича танлов ўтказиш, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тендер савдоларини ўтказиш;<br>тендер ғолиби томонидан лойиҳа объектини тайёр ҳолда қуриб топшириш. | Амалий-чора-тадбирлар | 2022 йил давомида | **65 млн долл**. (Жаҳон банки маблағлари) | | | **Бажарилмоқда.**<br>Бугунги кунга қадар Халқаро молия институтлари маблағи ҳисобига хусусий секторни жалб қилган ҳолда кичик агрологистика марказлари ташкил этиш бўйича вилоятда 6 та ташаббускорлар рўйхати шакиллантирилди шундан Иштихон туманида 2 та, Оқдарё туманида 1 та, Ургут туманида 1 та, Пайариқ туманида 1 та, Булунғур туманида 1 та ташкил этади. Бу ббўйича бугунги кунда Жахон банкининг тегишли мутахассислари билан биргаликда хулосалари олинмоқда. |
| **32-мақсад: Чорвачилик озуқа базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 — 2 баравар кўпайтириш.** | | | | | | | | | |
| 148 | Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 3. **Балиқчиликни** ривожлантириш ва балиқ етиштириш ҳажми | Норматив ҳуқуқий-ҳужжат лойиҳаси | 2022 йил февраль | Халқаро молия институтлари ва тижорат банклари | | | «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси **О. Мусаев,** | **Бажарилган.** |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | ҳажмларини **1,5 — 2 баробарга ошириш.** | кўпайтириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш.<br>ҳосилдорлиги паст бўлган **31 минг гектар** сунъий сув ҳавзаларини босқичма-босқич **интенсивлаштириш** вабалиқ етиштириш ҳосилдорлигини **4-5 баробар**га ошириш.<br>**балиқчилик кластерлари** сонини **15 та**га етказиш ва **10 мингта аҳоли хонадонларида кооперация** усулида интенсив балиқ етиштиришни йўлга қўйиш;<br>қимматбаҳо совуқ сув балиқлари етиштирувчи корхоналар қувватини **2 баробар**га ошириш *(ҳозирда **3,5 минг** тн)* ва йилига **6 минг тонна** совуқ сув *(форель, осётр, лосось)* балиқларини етиштириш;<br>**қайта ишлаш** корхоналари сонини **84 тага** *(**2 баробар**га)*, **омухта ем** корхоналар сонини **84 тага** *(**2,5 баробар**га)* етказиш. | | | кредитлари ва ташаббускор ўз маблағи | | Сув хўжалиги вазирлиги **Ш. Ҳамраев,** Республика тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари | Балиқчиликни соҳасини ривожлантириш ва балиқ етиштириш ҳажми кўпайтириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олиниб.<br>Ҳосилдорлиги паст бўлган **110 гектар** сунъий сув ҳавзаларини босқичма-босқич **интенсивлаштириш** вабалиқ етиштириш ҳосилдорлигини **4-5 баробар**га ошириш бўйича 125 гектар сув ҳавзалари интенсивлаштирилиди.<br>**Балиқчилик кластерлари** сонини **1 таг**а етказиш ва **1030 та аҳоли хонадонларида кооперасия** усулида интенсив балиқ етиштириш бўйича 212 та аҳоли хонадонларида балиқчилик ташкил этилди. |
| **33-мақсад: Ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш орқали ҳудудий иқтисодиётни 1,4 — 1,6 бараварга ошириш.** | | | | | | | | |
| 150. | **14 та** ҳудуд бўйича туман ва шаҳарлар кесимида ишлаб чиқилган беш йиллик ҳудудий дастурларни амалга ошириш. | Ҳар бир туман ва шаҳарнинг муаммо ва имкониятлари ўрганиб, **«ўсиш нуқталари»**ни белгилаб олган ҳолда **2022 — 2026 йилларга мўлжалланган 14 та ҳудудий дастурларни** ишлаб чиқиш. Бунда:<br>ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш ҳамда ички имкониятларидан оптимал | Вазирлар Маҳкамаси қарорлари лойиҳалари | 2022 йил февраль | - | Бош вазир ўринбосарлари **Ж. Қўчқоров, С. Умурзаков** | Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги **С. Холхўжаев**, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги **А. Воитов,** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, | **<u>Бажарилган.</u>**<br>Вилоят, туман ва шаҳарларнинг **“ўсиш нуқтала-ри”дан келиб чиқиб, 2022-2026 йилларга мўлжалланган ҳудудий дастурлари** ишлаб чиқилди.<br>Ушбу дастурлар Вазирлар Маҳкамасининг **2022 йил 28 апрел**даги “2022-2026 йилларда Самарқанд вилояти ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлан-тириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **222-сон** қарори билан тасдиқланди. |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | фойдаланган холда аниқ режа ва лойиҳалар шакллантириш;<br>лойиҳаларнинг молиялаштириш манбаларини аниқ белгилаб, қисқа муддатли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;<br>лойиҳаларни амалга оширишда самарали мониторинг тизимини ўрнатиш. | | | | | вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар ҳамда лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлашга қаратилган ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқлаш учун халқ депутатлари вилоят Кенгашига киритилди. |
